




ADOLAT

№41
(693)
2008 йил,
26 сентябрь, жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Бу ёруғ оламда ҳар бир одам аввало ўзининг меҳрибон ота-онасига, унга маърифат ва билим дунёсини очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний ғазиллар, ғуқаролик ҳисси ва масъулиятини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамisha миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Ислом
КАРИМОВ.



УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Инсон улғайиб, ёши бир жойга бормиганда бот-бот ортга қараб ўтган умрини сарҳисоб қилади: нималар қилишга эришди-ю, нималарга эришолмади — шулар ҳақида ўйлайди. Шундай кезларда у ўзига сабоқ берган, катта ҳаёт

йўлига олиб чиққан устозларини ҳам бир-бир ёдга олади.

Болаликнинг бегубор паллаларидаги бахтиёр дамларни эслаганимизда, беихтиёр илк бор мактаб бўсағасига қадам қўйганимиз, ўшанда қўлимиздан тугган меҳри-

бон ва ширинсўз, қалбидарё ўқитувчи — биринчи муаллимимиз кўз олдимизга келади.

Мен ўзимнинг биринчи муаллимимни ҳар гал энтикиб, миннатдор бўлиб эслайман. Фарзанд ўз онасини унутмагани каби, киши

биринчи устозини ҳам ҳеч қачон ёдидан чиқара олмайди. Бинобарин, чиқармаслиги ҳам керак!

4-бетда ўқинг

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарган йиғилишда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ўқувчиларга замонaviй талаблар асосида билим бериш, тарбияси оғир ва дарсларни ўзлаштира олмайдиган болаларни тўғарақларга ва оммавий спортга жалб қилиш орқали уларнинг билим ва жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш борасидаги ишларнинг аҳолига доир масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактабларида 5 миллион 385 мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олаётгани, ўқувчиларга турли касб сирларини ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлаш ва қизиқишига қараб билиминини амалиётда мустахкамлаш учун тўғарақларга жалб қилингани қайд этилди.

Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини маъмули ўтказиш, ўқувчиларга замон талаблари асосида билим бериш, тарбияси оғир ва дарсларни ўзлаштириш паст бўлган ўқувчиларни тўғарақларга ва оммавий спортга жалб қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширишмоқда.

Бош прокуратура матбуот хизматида маълум қилишларига, йиғилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг мазкур йўналишдаги ҳамкорлигини жонлантириш, мактабдан ташқари таълим муассасаларида замонaviй жиҳозларни ўрнатилиш, уларда фан ва касб тўғарақларини юритиш ишини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Тарбияси оғир ва дарсларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларни касбга йўналтириш, таълим муассасаларидаги тўғарақ турлари ва йўналишларини кенгайтириш, ходимларнинг билим даражаси ва малакасини ошириш, уларда замонaviй бошқарув кўникмасини шакллантириш, таълим муассасаларида молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатилиш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон халқ таълими вазири Ғ.Шоумаровнинг ахбороти тингланди. Йиғилишда муҳокама қилинган масала бўйича жойларда муайян камчиликларга йўл қўйилмаётгани ҳам қайд этилди. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шонли чоралар тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаси ижросини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳайитовнинг ахбороти тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.Аббасова иштирок этди.

Бехзод ПОРБОЕВ,
ЎАМ мухбири.

2008 йил — Ёшлар йили

Мамлакатимизда ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, бу борада давлат дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлаш кўпмуҳаббатига айланиб бораётган. Мухими, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бошланган эзгу мақсад йўлидаги савб-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

НАВҚИРОН АВЛОД МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилинган йўналишида ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ифодасидир. Зотан, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истак-интилишлари,

ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш келажакимиз пойдеворининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи қучидир".

Юздан ортқ муҳим вазифа ва тадбирларни ўз ичига қамраб олган "Ёшлар йили" Давлат дастурининг биринчи бўлими ёшлар манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ундан ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид ўнлаб тадбирлар ўрин олган. Тегишли муассасалар томонидан бу тадбирларнинг бажарилиши, шубҳасиз, фарзандларимизни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш ва иқтидорини намоён этиш учун қулай шароит яратилди.

(Давоми 2-бетда).

ИЖРОҚЎМ ВА РАЁСАТ МАЖЛИСИ

Кеча Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий Аппаратида партия Сиёсий Кенгаши Раёсати ва Ижроия кўмитасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Раёсат ва Ижроия кўмитаси аъзолари, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси депутатлари, Тошкент шаҳар ва вилоят партия ташкилотларининг фаоллари қатнашди.

Мажлисида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг Х Пленумини қақририш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг Х Пленумини жорий йилнинг 27 сентябрь кунини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, Пленум кун тартиби тасдиқланиб, унга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш учун махсус ишчи гуруҳи тузилди.

Мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча масалалар оқибатдан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Матбуот хизмати.

Фармон ва ижро

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 майда имзоланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир ишлар қўламининг янада кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қондалари мамлакатимиз миллий қонунчилиги меъёрларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини изчил ва қатъий бажариб келмоқда. Мамлакатимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар каби

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими фаол иш олиб бормоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда ЕХТ-нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи хамкорлигида ташкил этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ички ишлар идораларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва давлат органлари, нодавлат ташкилотлар билан ўзаро хамкорлиги бағишланган давра суҳбатига шулар ҳақида гап борди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Б.Матлубов мамлакатимизда Президентимиз фармони асосида инсон ҳуқуқлари умумжа-

ҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ушбу тадбирлар демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Хусусан, ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилаётган тадбирларда ходимларнинг малакасини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзусига бағишланган семинар-тренинглар ўтказиш, ҳужжатлар ва адабиётлар чоп этиш ҳамда давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан хамкорлик механизмининг самардорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

НАШР ТАҚДИМОТИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган нашри тақдими бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг матни ўзбек тилида 500 мингдан зиёд нус-

хада чоп этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази томонидан БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан хамкорликда тайёрланган Декларациянинг юбилей нашри бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳозирги замонда инсон эркинликла-

ри кафолатининг буюк харитасидир, — деди Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази директори Акмал Саидов. — У шахсининг ҳам фуқаролик, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини қўламини ўзда тўла муҳассас этган халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ўз мухбиримиз.

Етакчи минбари

ТАШАББУС ВА САМАРА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлашда, ижтимоий-сиёсий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришларда сиёсий партияларнинг роли беқиёс.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиб, партиянинг мақсад ва гоёларини кенг тарғиб қилмоқда. Худудий ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирлар фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтиришга ҳисса қўниш билан бирга, партияга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Натияжада кундан кунга сафимизга партиянинг дастурий мақсадлари учун сидқидилдан хизмат қилувчи соғлом фикрли, жонқуяр ва фаол инсонлар келиб қўшилишти. Айниқсан, жорий йилдан "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролинини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қучга киргани партия фаолиятини янада жонлантиришда муҳим омил бўлди.

Айни пайтда вилоят Кенгаши аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўрганиб, тегишли ташкилотлар билан ҳал этиш-

га жиддий эътибор қаратган. Хусусан, жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан фуқаролар муурожаатлари ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Бунда, албатта, партияимиз аъзоларининг бир мақсад йўлида жипслашгани муҳим аҳамият касб этаётди. Чунки партия ишини самарали йўлга қўйишда аъзоларнинг яқдиллиги бирламчи вазифа саналади.

Партия ташкил этилган дастлабки йилларда вилоятда 400 га яқин аъзоларимиз бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 5000 нафардан ошиб кетди. Биз улар билан хамкорликда шу кеча-қундузда маҳаллаларда, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда турли тадбирлар ташкил этмоқдамиз. Бу тадбирларда асосий эътибор истиқлол йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар, миллий-маънавий қадриятларимизнинг қайта тикланишига қаратилмоқда.

Абдулҳақдор АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси.

1 октябрь —
Ўқитувчилар
ва
мураббийлар
куни

**ЎЗБЕКИСТОН
«АДОЛАТ» СДП
СИЁСИЙ КЕНГАШИ**

*Ёш авлод қамолоти учун
ҳормай-толмай меҳнат қилиб,
эл эъзозига мушарраф бўлган
мухтарам устозларини,
азиз мураббийларини
касб байрамлари билан
чип қўйилган табриқлайди.*

Сизларни Ватан тараққиёти,
юрт рабнақи йўлидаги олижаноб
ишларингизга рабоб тилаймиз.

Айёмингиз муборак бўлсин, азизлар!

НАВҚИРОН АВЛОД МАНФААТИ ЙЎЛИДА

(Давом. Бошланғич 1-бета)

Жорий йилда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани мамлакатимизда болаларнинг баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради. Мазкур қонун болалар манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилашга хизмат қилади. Айни пайтда ушбу қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида тарғиб қилиш борасида талай чора-тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, вояга етмаган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, уларни зарарли таъсирлардан ҳимоялашга қаратилган ишлар қўлама тобора кенгаймоқда. Қолаверса, "Ёшлар йили" Давлат дастурида йигит-қизларни иш билан таъминлаш, ёш оилаларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашдек ҳаётий маса-

ларларни ҳал этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса ёшларнинг меҳнат қилиши, муносиб турмуш кечиришига янада кенг имкониятлар яратди. Дастурда олий ва ўрта махсус ўқув юртимларида тахсил олаётган талабаларга жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, битирувчи ёшларни касбга йўналтириш ишларини тубдан яхшилаш мақсадида таълим муассасалари билан корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Тошкент юридик коллежидан апрел-июнь ойларида 60 нафар, Ўзбекистон Миллий университидан июнь-июль ойларида бошқарма тизимидagi идораларда 40 нафар талабалар амалиёт ўтади. Уларнинг амалиёт ўташ тартиби қатъий назоратга олинган ҳолда, ҳар бир талаба билан индивидуал шугулланиш ва ўқув амалиётини пухта ўрганиш учун бошқарма бўлиmlаридан мураббийлар тайинланди. Амалиёт мuddати тугагандан сўнг талабанинг амалиёт натижасида олган билимлари текширилиб, уларга тавсифномалар берилди.

"Ёшлар йили" Давлат дастурининг яна бир аҳамиятга молик жиҳати шундаки, дастурда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга алоҳида эътибор берилган. Буни кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларда кўриш мумкин. Дастурнинг 104-бандида ҳар бир туманда камда 20 та кам таъминланган оиланинг тўйлари ва оилавий тантаналари ўтказилишига кўмаклашиш белгиланган. Шундан кейин Тошкент шаҳар адлия бошқармаси тизимидagi ФХДБ бўлиmlари томонидан кам таъминланган оилаларнинг тўйлари, оилавий тантаналари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ҳозирча олинган маълумотга қараганда, жами 145 та кам таъминланган оиланинг ниҳоллари пуллик тўловлардан озод этилган ҳолда бепул қайд этилган.

Хуллас, юртимизда баркамол авлод учун кенг фаолият майдони яратилган. Ёшлар нафақат жамиятнинг муайян қатлами, балки унинг келажagini белгилаб бериш бўлажак мутахассислардир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда етук мутахассис-кадрларга, уларнинг камолга юксак эътибор қаратилаётган экан, шубҳасиз, давлатимизнинг пойдевори мустаҳкам, истикболи порлоқ бўлади.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар адлия
бошқармаси бошлиги.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давом. Бошланғич 1-бета)

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ички ишлар идоралари фаолияти самарадорлигини янада юқори босқичга кўтариш мақсадида 2008 йилнинг сентябрь ойида Ички ишлар вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилгани бу йўналишдаги ишларнинг амалий самараларидан бири бўлди. Шунингдек, ички ишлар идораларининг қўйи тизимида ҳам ушбу бошқарманинг бўлим ва бўлимчалари тузилгани фуқароларнинг муносабатларининг қонунда белгиланган муносабатларда, тез ва самарали кўриб чиқилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Президентининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини нишонлаш мақсадида алоҳида эътибор қаратиб, махсус фармон қабул қилгани эътиборга лойиқ, — дейди ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мундофлаштирувчиси Иштван Венцель. — Ушбу фармон асосида мамлакатимизда қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Ички ишлар вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси билан ҳамкорликда амалга ошираётган "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу масалада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик бўлимининг имкониятини кенгайтириш"га оид лойиҳамиз ҳам инсон ҳуқуқларини самарали таъминлашга қаратилган.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Ташқи ишлар, Адлия вазирликлари, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази масъул ходимлари, олимлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган давра суҳбатиди инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиқнинг самарадорлигини янада ошириш, ҳудудий ички ишлар идораларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш масалалари эътибор қаратилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда барпо этилган "Тезинтом" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ўз фаолиятини 1997 йилда бошлаган.

Корхона илғор технологиялар асосида турли ўлчам ва рангдagi металл чере-

пицалар, алюминий ва пластик эшик-даразалар, шунингдек, панжара, дар-

воза, ёриткич мосламалари, гипсокартонлар, девор безаклари каби қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ҳамда хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Корхонада тайёрланаётган юқори сифатли пластик даразалар хонани шовқиндан

ҳимоялайди, совуқ кунларда иссиқ, ҳазинада эса, аксинча, салқин сақлашга хизмат қилади. Бундай дараза ромларининг яна бир устуни жиҳати — уларни бўяшнинг ҳолати йўқ, ранги ҳам ўчмайди.

"Тезинтом"да ишлаб чиқариш қамрови йил сайин кенгайиб, маҳсулотлар турлари кўпайиб бораётди. Сўнгги пайтларда корхонада совун, шампун, тозалаш воситалари тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона маҳсулотлари юқори сифати, халқаро талабларга мослиги ва рақобатбардошлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотлар буюртмачининг талаб ва хоҳишига кўра исталган ранг ва ҳажмда тайёрланади.


Ҳозирги кунда корхона ташқи бозорларда ҳам фаол иш юритмоқда. Қўшма корхона маҳсулотлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилинаётди.

Маҳсулотларига талаб катта бўлганини тўғрисида қўшма корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. "Тезинтом"нинг 2007 йилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 миллиард сўми ташкил этди. Жорий йилнинг январь-август ойларида эса бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,78 фоизга ошди.

А. ҒАНИЕВ.
Суратларда: корхона
фаолиятидан лавҳалар.

«ТЕЗИНТОМ»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

харидорларга манзур бўлмоқда



Ижтимоий ҳимоя

Бекобод шаҳрида айни пайтда 10 минг 264 нафар пенсионер ва ногирон истиқомат қилади. Уларни ижтимоий ҳимоялаш, пенсия ва нафақа пуллари вақтида бериш учун зарур чора-тадбирлар белгиланган. Тегишли ташкилотлар билан алоқалар яхши йўлга қўйилганлиги зимминиздаги вазифаларни вақтида адо этишда муҳим омил бўлмоқда.

ЭЪТИБОРУ ЭЪЗОЗДА

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида бўлимга пенсия тайинлаш ва қайта ҳисоблаш бўйича фуқаролардан 413 та ариза келиб тушди. 375 кишига пенсия тайинланди. Белгиланган микдордаги нафақа ва пенсия пуллари жойлардаги алоқа бўлиmlари орқали ўз эгаларига вақтида етказиб берилмоқда. Шунингдек, 298 нафар болалиқдан ногиронларга ҳам пенсия пуллари тарқатилган. Уларга саҳоватли инсонлар томонидан моддий-маънавий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Одамлар қорига яраш — катта савоб. Буни яхши англаб етган ходимларимиз кўмакка муҳтож кишиларга қўшма ёрдам кўрсатишмоқда. Хусусан, 2008 йилнинг ўтган ойлари мобайнида 5 нафар ногирон протез-ортопедия мосламалари билан таъминланди. 3 кишига реабилитация воситалари, 1 нафарига кўлтиктаёқ олиб берилди.

Қўмақталаб кишиларнинг яққаланиб қолишига йўл қўймайлик биринчи галдаги вазифамиз. Буни чин дилдан ҳис қилган ҳолда ишимизга катта масъулият билан ёндашишга интилаёмиз. Чунонинг, барча пенсионер ва ногиронлар, шу жумладан, болалиқдан ногиронлар тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказилди ва 48 нафар уйда, 6 нафари шифохонада даволанди. Бундан ташқари, 41 киши "Тоғқосой", "Олтиарик", "Қосонсой", "Маржонсув" ва "Нуроний" сийхатхоналарида саломатликларини тиклашди.

Шаҳримиздаги корхона ва ташкилотлар ҳам савобли ишлардан четда қолишмаяпти. Хусусан, "Ўзметкомбинат" АИЧБ маъмурияти 43 нафар пенсионерни "Бекобод ишчиси" ва "Рабобий Бекабада" газеталарига бепул обуна бўлишига ҳомийлик қилди. "Автобус-такси саройи" масъулияти чекланган жамият томонидан 820 нафар пенсионер ва ногиронларга 8 миллион 100 минг сўм микдоридagi доридармонлар олиб берилди.

Раънохон ЖУМАОБОВА,
Бекобод шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиги.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

аҳоли даромадларининг ортиб боришига хизмат қилмоқда, — дейди Каттақўрғон тумани Бандликка кўмаклашиш маркази директори Н.Шакароев

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш ва шу орқали аҳолини иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилаёпти. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли даромадларининг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар тўғрисида янги ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат уйлари, савдо шохбачалари ташкил этилмоқда.

Каттақўрғон тумани Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар тахминга сазовор. Жорий йилнинг 6 ойи давомида аҳолини иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ, 1834 нафар фуқаро мутахассисликлари бўйича корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Уларнинг 532 нафарини хотин-қизлар, 967 нафарини ёшлар ташкил этди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат

корхоналари билан касаначилиқни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан 2008 йилнинг биринчи ярим йилида 1880 киши иш билан таъминланди. Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига эса 551 нафар фуқаро мўкин иш ўрнига эга бўлди.

Қишлоқларда аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш бевосита қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари нархини кескин пасайтиришга хизмат қилади, — дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Н.Шакароев. — Шунинг учун қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжаликларида янги иш ўринларини кўпайтиришга ҳаракат қилаёмиз.

Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан 556 кишига меҳнат дафтарчалари очилди. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қорамол сотиб олиш ва боқиб уқун 9 нафар фуқарога 11,9 миллион сўм микдорда микрокредит берилди.

Дарвоқе, марказ ходимлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда коллежалар битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам тақсинга лойиқ. Хусусан, жорий йилда қоллеж битирувчилари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб берилди, меҳнат ярмаркалари ташкил қилинди. Бу яхши самара бериб, аксарият ёшлар эгаллаган касблари бўйича ишга жойлашди.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Адолат» мухбири.



Бани одам ўз боласини давомчим, эртанинг эгаси деб суйди. Инчунин, фарзанд камоли учун ғамхўрлик қилиш — шараф. Қолаверса, Буюк адиб Лев Толстой "Фарзанд деганим бу — ўзим деганимдир" дея бежиз айтмаган. Бу кўпна, гўзал туйғу ҳар бир халқнинг маънавий дунёсида бор. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган меҳрибонлик, эътиборлилик алақачон давлатимиз сиёсатининг устувор сиёсатида айланиб улгурган.

ФАРЗАНДАРГА ҒАМХЎРЛИК — ШАРАФ

Мамлакатимизда 17 йил мобайнида ёшлар масаласига катта эътибор қаратилди. Шақ-шубҳа йўқки, бу ишларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ҳам бекиёс. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг қўйи орган фаолиятига назар солсангиз, улар ташаббуси билан ўтказилган тадбирларнинг аксари ёшлар масаласига оид бўлиб чиқади. Бир мисол: ўтган ҳафта давомида Сурхондарё вилояти партия Кенгаши ташаббуси билан Термиз шаҳрининг "Юлдуз" маҳалласида "Баркамол авлод" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларни соғлом вояга етишини таъминлаш масаласида фикр алмашишди.

Соғлом кишигина соғлом фикрлайди, хайрли мақсадларини амалга ошира олади. Бугунги бунёдкорлик ишларининг давомчилари — ёшлар соғлиги, баркамоллиги ҳақида қайғуриш, шубҳасиз, муҳим масала, — деди семинар ташкилотчиси, вилоят партия Кенгаши раиси ўринбосари Шохид Чориева.

Ҳафта давомида вилоятнинг Қумқўрғон тумани партия фаоллари ҳам таълим муассасаларида ижодий мухитни ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказишди. Унда ёшларнинг сиёсий онгини ошириш, ҳуқуқий билимини юксалтириш, бу билимлар пировардида ижодкорлик ҳусусиятларини шакллантиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Олот тумани партия Кенгаши фаоллари томонидан тумандаги "Чандир" қишлоқ фуқаролар йиғинида "Ватан равнақида салоҳиятли ёшларнинг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

— Биз демократик ўзгаришларнинг янги жараёнига, янгиланиш палласига қадам қўйдиқ. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқаруви янгиланган ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун шу йилдан эътиборан кучга кирди. Шубҳа йўқки, бу Қонун ижросида, унинг ҳаётий тадбирида фаол ёшларимиз етакчи куч бўлади, — деди тадбир иштирокчиси, вилоят Кенгаши

раиси Раҳмат Аҳмедов. Қашқадарёдан олган хабаримизга қараганда, вилоят Кенгаши ташаббуси билан Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида "Ёшлар манфаатларини ифодалашда нодавлат, нотижорат ташкилотларининг бугунги фаолияти" мавзусида семинар-тренинг ўтказилган.

— Ёшлар билан ишловчи нодавлат, нотижорат ташкилотлар сони юзга яқин. Ҳўш, бу ташкилотлар фаолиятидан ёшларнинг ўзи бохабарми, қониқиб ҳосил қилишяптими? Айниқса, ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш ёҳуд бошқа муаммо масалалар ҳақида ННТлар нечоғли иш олиб боришмоқда? Анжуманимизда ана шу масалалар муҳокама этилди, — деди тадбир ташкилотчиси, вилоят Кенгаши қўшмадиги "Ёш адолатчилар" кенгаши раиси Дилафруз Ёвқочдиева.

Наманган вилояти Чортоқ туманида ўтказилган тадбирнинг бош мавзуси ёшларнинг жамиятда тугган ўрнига қаратилди. Қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил қилинган «Истиқлол менинг тақдиримда» мавзусидаги тадбир ёшларнинг олдида турган долзарб вазифаларга бағишланди.

Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир ёшларни иш билан таъминлаш масаласига бағишланди. Унда иштирок этган ёшлар мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар қўламини тўғрисида тасаввурга эга бўлиш билан бирга, ўзларини қизиқтирган қатор саволларга жавоб олишди.

Қўриниб турибдики, "Адолат" СДП теграсига жипслаган фаолларнинг ороу-интилишларида, ҳаётга қарашларида муштараклики сезилиб. Зеро, ёшларга ғамхўрлик қилиш — шараф, олий мақсад.

Сайид ОЛИМ,
«Адолат» мухбири.

ҲАМКОРЛИҚДАГИ МУСОБАҚА

"Адолат" СДП Сирдарё вилояти Кенгаши ҳамда Тиббиёт ходимлари касаб уюшма вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда спортнинг енгил атлетика, стол теннис, волейбол ва арқон тортиш турлари бўйича спартакиада ўтказилди.

Мурасасиз кечган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Янгйер шаҳри ва Оқолтин тумани вакиллари пешқадамлик қилишди. Енгил атлетика беллашувларида эса сардобалик Камола

Худойкуловага тенг келадаган рақиб топилмади. Спартакиадада стол теннис бўйича янгйерлик Маҳфуза Бобомуродова, сирдарёлик Диярвер Фозиқжаев мусобақанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга ҳоймиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Э.САИДОВ,
«Адолат» мухбири.

Қилмиш-қидирмиш

Ҳалоллик, фойдани яширмаслик тадбиркорлиқнинг ажралмас хислатларидан саналади. Бинобарин, қонунга бўйсиниб, унинг асосида иш юритиш ҳар қандай тадбиркорлик субъекти фаолиятининг ривожланишига, тараққий этишига пухта замин ҳозирлайди. Акс ҳолда эса...

СОХТА ҲУЖЖАТЛАР СИРИ

Ю.Ким раҳбарлигидаги "Ақром-қурилиш" масъулияти чекланган жамият асосан корхона ва ташкилотларга қурилиш-таъмирлаш ва бошқа шў турдаги хизмат кўрсатиш билан шугулланиб келарди. Жамиятнинг топаётган даромади ҳам чакки эмасди. Бироқ нафис ҳақалак отган тадбиркор бориға қаноат қилмади, аксинча мўмай даромад топиш иланижада жиноятга қўл урди. Ю.Ким буюртмачи — "Улуғбек посёлкаси қурилиш-таъмирлаш хизмат кўрсатиш" бошқармаси директори А.Сайдахмедов билан тил бириктириб, ҳудуддаги 1-, 2-сонли иссиқ сув қозонхоналарини таъмирлаш жараёнида бажарилган ишлар баҳосини қонунга хилоф равишда 4 миллион 29 минг 200 сўмга ошириб кўрсатишди. Шу мақсадда сохта ҳужжатлар тузилди.

Кўза кунда эмас, кунда синади, деганларидек устамонларнинг кирдикорлари ошқор бўлди. Ўтказилган текширувда "Ақром-қурилиш" МЧЖ раҳбари бажарган иш хизматларини ҳисоботларда қасддан қамайтириб кўрсатиб жами 20 миллион 183 минг сўмлик солиқ тўловини яширгани маълум бўлди. Натижада қўрсатилган зарарлар ундирилиб, ҳар иккала мансабдорга қонунга биноан жазо тайинланди.

Мансур АБДУЛЛАЕВ,
СВОЖДЛДҚ департаментининг
Юнусобод тумани бўлими
катта инспектори.


ТЕГИШЛИ ЧОРА КЎРИЛДИ

Тадбиркорлик субъектларининг амалдаги қонунлар асосида фаолият юритиши солиқ ва бошқа тўловларнинг давлат бюджетига ўз вақтида тушишини таъминлади. Пировардида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Заңгирота туманида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг етти ойи давомида туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 46 марта рейд ўтказилиб, уларда қатор қонунбузарликлар аниқланди. Натижада 28797,3 минг сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилди. Шу билан бирга, 18 нафар фуқаро маъмурий жаримага тортилди, 10 нафар фуқаро устидан жиноий иш қўзғатилди.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак. Тумандаги "Заңгирота" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига жойлашган савдо шохбачаси сотувчиси Адхам Жўраев қарор талабларига эид равишда фаолият юритишни ўзига қас қилиб олган қўриқда. Акс ҳолда, у текширув пайтида ўзининг савдо дўконига ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 24 хилдаги алкоголь ва тамаки маҳсулотларини бемалол сотиб тирмаган бўларини? Хуллас, ҳуқуқбузар сотувчининг бу қилмиши қонун асосида баҳоланди. Сифат сертификат ва акция маркараларига эга бўлмаган маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

А.ЖЎРАЕВ,
Заңгирота тумани ДСИ
давлат солиқ инспектори.



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

ЖАМОАСИ

*Ёш авлод камолоти учун фидойилик кўрсатаётган
меҳридарё ўқитувчиларни, мураббийларни,
азиз устозларни анъанавий касб байрамлари билан
чин дилдан муборакбод этади.*



Мамлакатимиз фуқароларини
муборак Рамазон ҳайити билан
самимий табриклайди.

**ШУ ҚУТЛУҒ АЙЁМЛАРДА СИЗЛАРГА
СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, БАХТ-САОДАТ,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК ТИЛАЙМИЗ.**


«Пакта банк» фаровонлигингиз келтидир.

«ҒИЖДУВОН ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини,
барча устозларни
Рамазон ҳайити ҳамда
1 октябрь — Ўқитувчилар ва
мураббийлар кўни билан
самимий муборакбод этади.*

*Барча оилаларга қут-барака,
фаровонлик тилайди.*



1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар кун

УСТОЗГА ЭХТИРОМ

(Давоми. Бошлангич 1-бета)

Биринчи устозим, марҳум Ирисали Мирвалиев маҳалламизда истикомат қиларди. У кишидан сабоқ оладиган ёшга етгунча ҳам кунда-кунора устозга салом беришни қанда қилмасдим. Уша кезлар мурғак қалбим ўз-ўзидан гурурга, ифтихорга туларди. Ховлимизга югуриб кириб ё отам, ё онамга устоз билан саломлашганимни қувониб айтиб берардим.

Камтарин, ширинсухан устозимиз дарс жараёнида парталар орасидан юриб, ўқувчиларнинг ёзувларини кўздан кечириб, қийинроқ ҳарфларнинг ёзилишини ўргатиш учун ўқувчиларнинг қўлидан ушлаб, биргалишиб ёзишга, қайта-қайта машқ қилдиришга эринмасди. Ўқувчиларни жерқийш, гоҳида шўхлик қилиб қўйсак қаттиқ қойиш ёки туртиш у кишига ёт эди. Ҳар қандай вазиятда ҳам вазмин, мулоҳаза билан бизни тўғри йўлга бошларди. Шунинг учунми, Ирисали акани ҳаммамиз – синфдаги 34 нафар ўқувчи бирдек яхши кўрардик. Ўз дарсларимиз тугагач, устоз дарсларини тугаганини кутиб, мактаб ҳовлисида тизилишиб турардик. Мақсад – устоз билан ёнма-ён, бирга уйга қайтиш. У киши йўл-йўлакай қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб берар, ора-чора бирортამиздаги қусурни ҳам билдириб-билдирмай қўйиб ўтардилар. Гап эгасини топади, қабилидаги бу қочирлар тагида ҳам биз тушуни олишимиз зарур бўлган йўл-йўриқлар бўларди.

Бир маҳаллада яшаганимиз боис, муаллимимиз ҳаммамизнинг ота-оналаримиз, ака-опаларимизни танирди. Лекин бирор марта уларга бирортამиз ҳақида салбий фикр айтиб уялтирганларини эслолмайман. Бу ҳақиқий педагогларга хос фазилат, дессам адашмасман.

Устозимиз болажон, зийрак ва билими те-ран зиёли эди. Синф хонасига вақт ўтказиш учун эмас, балки ўзи таълим ва тарбия бераётган ўқувчиларнинг билимларига билим қўйиш, қобилиятларини юзага чиқариш учун кирардилар. Қизиги шундаки, бизга ёндош

маҳаллаларнинг ота-оналари ҳам фарзандлари илк таълимини айнан Мирвалиев домладан олишини жуда-жуда истардилар. "Менинг фарзандим Мирвалиевда ўқийди", дейишарди улар фахр билан.

Йиллар ўтиб биз мактабдан учирма бўлдик, оила кўрдик, фарзандли бўлдик. Фарзандимизнинг ёши ҳам мактаб ёшига етди ва энди биз фарзандимизни домла Мирвалиев синфида ўқишига ошиқдик. Кексايиб қолган бўлишига қарамай муҳтарам устоз болаларимизни ҳам ғайрат билан ўқита бошлади...

Домла етмиш ёшга тўлганларида мўъжазгина ҳовлиларида дастурхон ёзилди, устоз шарафига илиқ сўзлар айтилди. Айниқса, ота-оналарнинг захматкаш муаллим ҳақидаги қайноқ изҳорлари барчани ҳаяжонга солди. Дарвоқе, ўқувчи ёшларга таълим-тарбия беришда фидойилик кўрсатгани, бошлангич синфларда ўқитишнинг энг мақбул усулларини қўллагани учун Тошкент шаҳридаги 11-ўрта умумтаълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси Ирисали Мирвалиев "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Буларнинг барчаси – фидойи ва жонкуяр, меҳридарё устозга кўрсатилган юксак эҳтиром намунаси бўлди.

Шавкат ЕКУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи
матбуот хизмати раҳбари.

• Ўқитувчининг бутун фахри ўқувчиларида, ўзи сочган уруғларнинг ўсишидадир.

Д.И. МЕНДЕЛЕЕВ.

• Ўз шоғирдларида меҳнатдан завқланиш ҳислатларини уйғота билган муаллим шарафларга лойиқ.

Э. ХАББАРД.

Соҳанинг ҳуқуқий негизи – "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил тадбиқ этила бошланди. Таълимни ҳар жиҳатдан ислоҳ этишга оид қонуности ҳужжатлари, бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Тез орада республикамиз бўйлаб янги таълим муассасалари – академик лицей ва касб-хунар коллежлари, замонавий мактаб бинолари қад ростлади. Юртбошимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони яратган бундай имкониятлар, энг аввало, иқтидорли ёшлар орасида коммуналлик интилиш, излаш, олға силжиш муҳитини яратди. Шундай улкан ўзгаришларнинг туҳфаси Қашқадарё вилояти, Яқнабоғ туманининг Шар-шар қишлоғида жойлашган 41-мактаб ўқувчиларига ҳам nasib этди. Улар янги ўқув йилини янги, кўркем ва замонавий мактаб биносидан бошладилар.

Таълим муассасасида бўлганимизда бизни, аввало, бионинг таъмирланиш сифати қувонтирди: ўқув хо-

ОРЗУЛАРИ БИСЁР, ҚУВОНЧЛАРИ ЧЕКСИЗ

Таълим соҳасини ислоҳ этиш мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олинди.

налари кенг ва ёруғ, уларга ўрнатилган жиҳозларнинг ҳаммаси янги, дилини яйратади. Спорт залини айтмай-сизми, ундаги шароитларни кўриб беихтиёр: "Бу ёшлар – бахтиёр ёшлар-да!" деб юборасан, киши. Кутубхона фонди билан танишарканмиз, коммуналлик ишқидоғи ёшлар учун имкониятларнинг кенглигига яна бир қара амин бўлдик.

– Муаллимларимиз ўқувчиларга самарали таълим бериш билан бирга барча маънавий-тарбиявий ишларга алоҳида эътибор қаратишган, – дейди мактаб директори Махмадали Рўзиев. – Ўқувчиларимиз ҳам янги ўқув йилини янги шароитга монанд тарзда бошлашди. Ҳозирда-ноқ фан олимпиадаларига тайёргарлик ишлари қизгин авж олиб кетди. Олимпиада, турли кўрик-танлов ва спорт



мусобақалари ташкил этилиб, ўқувчилар орасида соғлом рақобат муҳити шакллантириб боришмоқда.

– Мен 9-синфда ўқийман, – дейди Маржона Рўзиева биз билан суҳбатда. – Янги мактаб, янги жиҳозлар, янги ўқув қуроллари бизнинг ҳуқуқ билим олишимизга хизмат қилмоқда. Шундай шароитларни яратиб бераётган муҳтарам Юртбошимизга катта раҳмат. Мактабда аёло баҳоларда ўқиб, келажакда коммунал инсон бўлиб, юртим, халқим учун хизмат қилишга ваъда бераман.

– Мактабимизда кимё, ўзбек тили ва адабиёти, математика бўйича алоҳида фан кабинетлари мавжуд, – дейди битирувчи Дилафрўз Нурматова. – Биз бу фан хона-

ларида ўқиш билан бирга амалий машғулотларда ҳам қатнашамиз. Бундай қулайликлардан жуда хурсандман. Келажакдаги орзуим мактабни аёло баҳолар билан битириб, педагогика олийгоҳига ўқишга кириб, ўзим ўқиган мактабда ишлаш, устозларим сафидан ўрин эгаллаш.

Орзулари бисёр, қувончлари чексиз бу мактаб ёшларини кўриб, таълим ва тарбияни дарёга қиёслагим келди. Назаримда, бу икки нурли дарё ўқувчилар қалбига Ватанни севиш, меҳр-муҳаббат каби эзгу туйғуларни олиб кираётгандек...

Тоҳир АБДИЕВ,
"Адолат" мухбири.
Суратларда: мактаб жамоаси фаолиятидан лавҳалар.
Муаллиф олган суратлар.

Сайхунбод туманида бутун умрини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган педагоглар Ҳақназар Шерназаров ва Равшан Аҳмедовларнинг хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди. Спортнинг футбол ва волейбол турлари бўйича ўтказилган мазкур мусобақада худуддаги бир нечта мактаб ўқувчилари ғолиблик учун баҳс олиб боришди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар кун олдидан ўтказилган хотира турнирини ташкил этишда "Адолат" социал-демократик партиясининг туман Кенгаши аъзолари алоҳида ташаббус кўрсатди. Шунингдек, тадбирда туман халқ таълими бўлими мутасаддилари, устоз-муаллимларнинг фарзандлари ҳам фаол иштирок этишди.

Мусобақа ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган эс-далик совғалари ва қимматбаҳо совринлар билан тақдирланди.

Учрашув сўнггида ташкилотчилар хотира турнирини ҳар йили Ўқитувчилар ва мураббийлар кун муносабати билан ўтказиб боришга қарор қилишди.


Ўз мухбиримиз.

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ



**TURON
BANK**

Юртдошларимизни муборак Рамазон ҳайити айёми ҳамда
Устоз ва мураббийларнинг касб байрамлари билан муборакбод этади.



Юртимиз осмони мусаффо,
авлодларимиз келажаги порлоқ бўлсин.



Айёмларингиз муборак бўлсин!

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтура ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият
– 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

Мавзунинг 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚУЗИЕВ,
Турсунолла ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Маммазоир ХУҶАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Қамол АЛИЕВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳрирининг компьютер маркацида саҳифаланиши

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳрирининг
рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақодалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Набатчи муҳаррир – Саҳобий АБДУРАХМОНОВ
Набатчи – Устам ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи – Собиржон ТУНҒАТОВ